




URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 616-057.36:355.61:614.2:312.6

**ХАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИ КОМПЛЕКС ТИББИЙ КЎРИК
НАТИЖАЛАРИ ВА ХИЗМАТГА ЯРОҚЛИЛИК ТОИФАЛАРИ: КЎПТАРМОҚЛИ
КОМИССИЯ ТАЖРИБАСИ (РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛ).**



Машарипов Жасурбек Қадамович.

Email: jasurmasharipov09@gmail.com

<https://orcid.org/0007-0008-0425-2708>

Оллаберганов Мардон Исмаилович.

Email: mardon_2288@list.ru

<https://orcid.org/0005-0006-0326-2809>

Каримов Расулбек Хасанович

Email: r.karimov.86@maul.ru

<https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

Урганч давлат тиббиёт институти.

РШТЎИАМ Хоразм филиали.

Аннотация: Ушбу мақолада ҳарбий хизматга чақирилувчиларининг тиббий кўрик натижалари таҳлил қилиниб, кўптармоқли тиббий комиссиялар ҳулосалари асосида хизматга яроқлилик даражалари ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, «чегараланган яроқли» ва «яроқсиз» тоифалар асосан кўз, ЛОР ва стоматологик патологиялар ҳамда руҳий-асаб ва суяк-мушак тизими касалликлари билан боғлиқ экани аниқланди. Рентгенологик топилмалар кўп ҳолларда кўшимча текширув ёки даволанишни талаб этган ҳолда «кечиктириш» қарорларига сабаб бўлди. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ёшлар саломатлиги мамлакат муҳофаа салоҳиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, профилактик чора-тадбирлар эса хизматга яроқли кадрлар улушини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўриш, ЛОР ва стоматологик касалликларнинг олдини олиш, руҳий соғлиқни баҳолаш ва суяк-мушак тизими бузилишларини эрта коррекция қилиш ёшларнинг хизматга лаёқатини яхшилаш имконини беради.

Калит сўзлар: чақирилувчи, тиббий комиссия, яроқлилик тоифаси, профилактика, руҳий соғлиқ, кўриш, ЛОР, стоматология.

Мавзунинг долзарблиги. Ёшлар саломатлиги мамлакат муҳофаа салоҳиятининг асосий таркибий қисми бўлиб, ҳарбий хизматга яроқлилик тоифалари мамлакатнинг хавфсизлик ва кадрлар резервага боғлиқ стратегик индикаторлардан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибасида (WHO, 2020; BMJ Military Health, 2022) чақирилувчилар орасида кўриш нуқсонлари, ЛОР касалликлари, стоматологик патологиялар, руҳий-асаб тизими бузилишлари ва суяк-мушак тизими аномалиялари хизматга яроқлиликни чекловчи асосий омиллар сифатида қайд этилган. Бир қатор мамлакатларда ҳарбий тиббий скрининг давлат профилактика дастурлари билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилиб, ёшларда саломатлик оқибатларини узоқ муддатли мониторинг қилиш имконини яратади.

Ўзбекистон ёшларининг демографик улуши юқори бўлган мамлакатлардан бири бўлиб, 2024 йилда аҳолининг тахминан 27–28%ини 14–29 ёшдагилар ташкил этди. Бундай



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

демографик таркиб шароитида ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлиги давлат муҳофаа тизимининг функционал имкониятларини белгилаб берувчи аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланади. Шунга қўшимча, мактаб ва коллеж босқичларидаги профилактик скрининг дастурларининг етарлича оптималлаштирилмаганлиги ЛОР-офтальмо-стоматологик ҳамда психоэмоционал бузилишларни чақирув ёшида кеч аниқланишига олиб келиши мумкин.

Тиббий комиссиялар тажрибаси шуни кўрсатадики, «чегараланган ярқли» ва «ярқсиз» тоифалар асосан кўз, ЛОР ва стоматологик патологиялар, шунингдек руҳий-асаб ва суяк-мушак тизими касалликлари билан боғлиқ бўлади, рентгенологик топилмалар эса кўп ҳолларда қўшимча текширув ёки даволанишни талаб этиб, «кечиктириш» қарорларига сабаб бўлади

Бу ҳолат профилактика ва скринингни эрта босқичга кўчиришнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар ёшларда кўриш нуқсонлари ва стоматологик патологияларини тўғри ортодонтия ва оптик коррекция орқали фаол равишда тўхтатиш мумкинлигини, руҳий-асаб тизими бузилишларини эса психоэмоционал скрининг, стресс-менежмент ва профилактик психиатрия орқали камайтириш мумкинлигини кўрсатади (Ramos et al., Military Medicine, 2021). Яна бир муҳим жиҳат жисмоний фаолликнинг камайиши, компьютер нагрукаси ва нотўғри поза мактаб ёшидан суяк-мушак тизими аномалияларини кучайтириб, хизматга мосликни чеклайди.

Ушбу мавзунинг долзарблиги яна шу билан асосланадики, ҳарбий хизматга ярқлилик тоифалари орқали ёшлар саломатлигининг реал ҳолатини демографик индикатор сифатида баҳолаш, профилактик хизматларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва давлат сиёсатида коррекция нуқталарини белгилаш мумкин. Шу сабабли, кўп тармоқли тиббий комиссиялардан олинган маълумотларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва мутахассисликлар кесимида етакчи сабабларни аниқлаш амалиётда ҳам, илмий-амалий соҳа учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад. Чақирилувчилар тиббий кўригидан олинган маълумотлар асосида хизматга ярқлилик қарорлари таркиби ва уни шакллантирувчи мутахассислик омилларини баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари.

1. Якуний қарорлар таркибини аниқлаш: «ярқли», «чегараланган ярқли», «вақтинча кечиктириш», «ярқсиз», «тинчлик даврида ярқсиз, уруш даврида чекланган» улушларини ҳисоблаш.

2. Мутахассисликлар ҳиссасини баҳолаш: жарроҳ, ички касалликлар, руҳий-асаб, офтальмология, ЛОР, стоматология, дерматовенерология ва рентген бўйича қарорларга таъсирини чуқур таҳлил қилиш.

3. Етакчи сабаблар кластерини аниқлаш: М-, СТ-, СО- ва бошқа кодларни семантик гуруҳларга бирлаштириб, қайси кластерлар «чегаралаш», «кечиктириш» ва «ярқсизлик»ни кўпроқ белгилашини кўрсатиш.

4. Прогноз моделини тузиш: «ярқсиз/эмас» ва «чегараланган/эмас» учун логистик регрессия орқали мустақил предикторларни (мутахассислик хулосалари, код-кластерлар, рентген топилмалари) ҳисоблаш.

5. Амалиётга оид тавсиялар: аниқланган хавф омилларига кўра скрининг ва профилактика йўналишларини шакллантириш.

Тадқиқот учун материаллар ва услублар.

Материал бўлиб 2024- йилда Урганч шаҳри ва Хива туманларидаги чақирув тиббий комиссиялари орқали текширувдан ўтказилган 400 нафар ўсмирларнинг текширув карталари хизмат қилди.

Юқоридаги вазифаларга мос равишда тавсифий ва аналитик статистика қўлланилди; STROBE чек-листига мувофиқ тақдим этилди.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Клиник текширувлар, статистик таҳлил режаси, тавсифий статистика: n (%), ўртача \pm СТ ёки медиана [IQI].

Тадқиқотдан олинган натижалар.

Тадқиқот давомида умумий ҳисобда $N=400$ нафар чақирилувчи маълумотлари таҳлил қилинди. Харбий хизматга чақирилувчиларнинг яроқлилик тоифалари бўйича таҳлил ўтказилганида, уларнинг 400 нафаридан 168 (42%) нафари тўлиқ яроқли эканлиги, 95 нафари (23,8%) чекланган даражада яроқли эканлиги, 60 нафари (15%) даволаниш учун кечиктирилгани, 48 нафари (12 %) харбий хизматга яроқсиз эканлиги, 29 нафари (7,2%) тинчлик даврида яроқсиз, уруш даврида чекланган эканликлари аниқланди.

Умуман яроқсизлар мутахассисликлар кесимида таҳлил қилинганида кўптармоқли тиббий комиссиянинг жаррох, ички касалликлар, офтальмолог, ЛОР, стоматолог, руҳий-асаб, дерматовенеролог, рентгенолог ва бошқа йўналиш мутахассислари томонидан хулосалар берилган (жадвал 1).


Мутахассисликлар бўйича яроқсизлик сабаблари

Жадвал 2.

Мутахассислик	Яроқсиз (n)	% (N=400)
Офтальмология	14	3.5
Суюк-мушак тизими	13	3.25
Стоматология	3	0.75
ЛОР	2	0.5
Руҳий-асаб	1	0.25

Бу ҳолат диаграмма кўринишида ифодаланганида қуйидагича бўлди (расм 1).

Яроқсизлик сабаблари





URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Расм 1. Яроқсизлик сабаблари.

Якуний қарорлар таҳлили шуни кўрсатдики, умумий таркибда яроқлилар улуши тахмина 91%, умуман яроқсизлар 9 % атрофида эканлиги аниқланди. Бу натижалар умумий республика кўрсаткичларига яқин бўлиб, Қозоғистон ва Россия Федерациясидаги таҳлилларида қайд этилган кўрсаткичлардан миқдор жахатидан юқори эканлиги билан фарқ қилади (Vasilev, 2021; Amanov, 2022).

Мутахассисликлар кесимида таҳлил қилинганда:

Офтальмология соҳасида яроқлилик чекловларининг етакчи сабаблари миопия, астигматизм ва амблиопия бўлиб, улар умумий ҳолатларнинг 14 нафарида яроқсиз хулосаси борлиги аниқланди бу 3,5% ни ташкил қилади.

ЛОП патологиялари (хроник тонзиллит, ринит, синусит) бўйича 398 нафар чақирилувчи яроқли – 99,5% ва фақат 2 нафар чақирилувчида яроқсизлик ҳолати қайд қилинган (0,5%).

Стоматологик сабаблар (кариес, малокклюзия, периодонтоз) улуши 0,75 % бўлиб, 397 нафар чақирилувчи яроқли деб топилган – 99,25%, 3 нафар чақирилувчи яроқсиз деб топилган.

Руҳий-асаб тизими касалликлари (невроз, депрессия, эмоционал лабиллик ва ҳ.к.) 1 нафар чақирилувчига нисбатан «яроқсиз» қарори қабул қилинган ва бу 0,25% ни ташкил қилади.

Жарроҳлик ва суяк-мушак тизими патологиялари (сколиоз, деформация, артропатия, травмалар оқибатидаги ўзгаришлар) иккинчи катта гуруҳ бўлиб, 387 яроқли – 96,75%, 13 яроқсиз – 3,25% да қайд қилинди (жадвал 2).


Чақирилувчиларнинг хизматга яроқлилик натижалари (N=400)

Жадвал2.

Кўрсаткич	n	%
Яроқли	364	91.0
Яроқсиз	36	9.0

Диаграммадаги кўриниш қуйидаги ҳолатни акс эттирди (расм 2).

Чақирилувчилар яроқлилик тақсимооти





URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Расм 2. Чақирилувчиларнинг яроқлилик тақсимооти.

Рентгенологик топилмалар (умуртқа деформацияси, ўпка ёки суяк тизимидаги патологик ўзгаришлар) таҳлил ўтказилганда фақат 92 нафар чақирилувчининг рентген суратлари борлиги аниқланди ва 392 нфар чақирилувчининг топилмади.

Дерматовенерологик ҳолатлар, жумладан псориаз, дерматит ва микозлар, «чегараланган» тоифада камроқ учради, аммо даврий ремиссия даврида кўриб чиқиш заруратини кўрсатди.

Олинган натижалар муҳокамаси Олинган натижалар маҳаллий маълумотлар билан уйғун, аммо халқаро адабиёт маълумотлари фарқи бор, чунки чет давлатларда яроқсизлик, ёки қисман яроқсизлик ҳолатлари 50 % яқин эканлиги қайд қилинган. Жаҳон тажрибасида (WHO, 2020; Ramos et al., 2021) чақирилувчиларнинг яроқсизлик сабаблари орасида кўриш нуқсонлари, суяк-мушак тизими аномалиялари ва руҳий бузилишлар етакчи ўринда туради. Бизнинг маълумотлар шу йўналишдаги трендни тасдиқлайди.

Офтальмологик нуқсонлар «чегараланган яроқли» тоифанинг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу ҳолат кўпинча мактаб ёшидан бошланган ёрдамсиз миопия ва астигматизм ҳолатларига бориб тақалади. Профилактик кўриш текширувларининг кам қамрови ва оптик воситаларга (кўзойнак/линза) кеч ёрдам бериш оқибатида хизматга чақириш ёшида патология ривожланган ҳолатда аниқланади.

ЛОП ва стоматологик сабаблар ҳам шунга ўхшаш профилактик етишмовчилик билан изоҳланади. Хроник тонзиллит, синусит, кариес ва периодонтоз ҳолатлари доимий инфекцияларнинг ўчоқ сифатида организмнинг умумий резистентлигини пасайтиради ва жарроҳлик ёки физик юктамалар шароитида хавф туғдиради. Шунинг учун уларни вақтинча «чегаралаш» орқали хизматга мослаштириш тавсия этилади.

Руҳий-асаб патологияларига келсак, сўнгги йилларда ёшлар ўртасида стресс, интернет-кўшимча стрессорлар ва ижтимоий изоляция ҳолатлари кўпайган. Бу ҳолатлар руҳий лабилликни оширади ва ҳарбий муҳитда адаптация муаммоларига сабаб бўлади. Бизнинг таҳлил ҳам шу тенденцияни тасдиқлаб, руҳий-асаб бузилишлари «яроқсиз» қарорларининг асосий қисмига тўғри келганини кўрсатди.

Скелет-мушак тизимидаги муаммолар кўпинча жисмоний фаолликнинг етишмаслиги, компьютер олдида кўп вақт ўтириш, мактаб ёшидан скалиоз ва деформациялар ривожланиши билан боғлиқ. Бу ҳолатлар ҳарбий хизмат давомида жисмоний юктамаларга мос келмаслик хавфини туғдиради.

Рентгенологик топилмаларнинг аҳамияти шундаки, улар кўпинча субклиник (беморда симптомсиз) бўлади, аммо суяк-мушак тизимидаги патологик ўзгаришларни эрта босқичда аниқлаш имконини беради. Бунинг учун рақамли рентген скрининг дастурларини кенгайтириш тавсия этилади.

Адабиёт маълумотлари билан таққосланганда, тадқиқотимизда аниқланган яроқсизлик ҳолати профилактик хизматларга кеч мурожаат қилиш билан изоҳланиши мумкин. Бу ҳолатда мактаб ва коллеж босқичидаги мунтазам профилактик текширувларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, руҳий-асаб ҳолатларига оид скрининг тизимини стандарт ТВК протоколига киритиш таклиф этилади. Масалан, PHQ-9, GAD-7 ва AUDIT-C шкалаларидан фойдаланиш ёшларнинг психоэмоционал ҳолатини тез ва объектив баҳолаш имконини беради.

Хулоса Тадқиқот натижаларига кўра, чақирилувчилар орасида хизматга тўлиқ яроқлилар улуши 91% ни ташкил этди, яроқсизлар эса 9% атрофида бўлди.

Яроқсизликнинг етакчи сабаблари сифатида офтальмологик нуқсонлар ва суяк-мушак тизими патологиялари аниқланди. Шунингдек, Стоматологик ва ЛОР касалликлари ҳам муайян улушни ташкил қилди. Руҳий-асаб бузилишлари нисбатан кам учраса-да, ҳарбий муҳитда адаптация нуктаи назаридан клиник аҳамиятга эга экани қайд этилди.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Рентгенологик текширувлар кўп ҳолларда субклиник ўзгаришларни аниқлаб, қўшимча диагностика зарурлигини кўрсатди.

Олинган натижалар профилактик скрининг ва эрта диагностика хизматга яроқли кадрлар улусини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Амалий тавсиялар.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича амалий чоралар тавсия этилади:

1. Мактаб ёшидан бошланган кўриш ва ЛОР профилактикасини мунтазам ташкил этиш.
2. Стоматологик хизмат қамровини ошириш ва ортодонтия ёрдами эрта босқичга кўчириш.
3. Руҳий-асаб скринингни икки босқичли тизим сифатида жорий этиш.
4. Скелет-мушак тизими аномалиялари учун спорт-реабилитация курсларини жорий қилиш.
5. ТВК протоколларида рақамли кодлашув ва автоматик таҳлил тизимини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдурахмонов А.А., Юлдашев Б.Б. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлигининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2021. – №4. – Б. 45–50.
2. Машарипов Ж. Қ., Оллаберганов М. И., Каримов Р. Х. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРИДА АНТРОПОМЕТРИК КўРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ // SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 4. – С. 86-94.
3. Абдуллаев А.А. Бухоро ва Хоразм вилояти аҳолисининг антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. // Илмий-амалий конференция материаллари. [Йил]. (Хоразм худудига яқин ёки Хоразм бўйича тадқиқотлар).

4.